

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА БАРЧА ИМКОНияТЛАР ИШГА СОЛИНИБ, НАТИЖАДОРЛИККА ЭРИШИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 22 июль куни Жиззах вилоятига ташриф буюриб, саноат ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ишлар, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа объектлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб “Зомин технопарки” махсус саноат зонасини бориб кўрди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида иқтисодиёт учун зор зарур бўлган корхоналар барпо этилмоқда. Бу янги иш ўринлари яратилиши, саноат тармоқлари ривожланиши, пировардида халқимиз фаровонлиги ошишига хизмат қиляпти. Жиззах вилоятида ҳам кейинги йилларда қайта ишлаш саноати ҳажми сезиларли даражада ошди.

“Зомин технопарки” қурилишини ўтган йили 27 июнда давлатимиз раҳбари бошлаб берган эди. 400 гектарда барпо этилаётган технопаркда хитойлик инвесторлар билан биргаликда 1 миллиард 200 миллион долларлик 31 та лойиҳа амалга оширилади.

Ўтган даврда зарур инфратузилма ва иншоотлар барпо этилди. Яқинда илк корхона — “Xinjiang Honglin Tianti” компанияси томонидан қиймати 10 миллион долларлик бетон маҳсулотлари тайёрлаш лойиҳаси ишга туширилди. 60 кишининг бандлиги таъминланди.

Айни кунларда 42 миллион долларлик иккинчи лойиҳа бўйича ишлар якуний bosқичда. Унда “Midea” бренди остида йилига 300 минг дона маиший электр техникалари ишлаб чиқарилади. 150 та иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбарига шу ва навбатдаги лойиҳалар ҳақида ахборот берилди.

Биринчи bosқичда махсус саноат зонасига 9 та лойиҳа жойлаштирилган. Бугунги кунда қарийб 300 миллион долларлик яна 7 та лойиҳа бўйича қурилиш ишлари давом этмоқда. Уларда қурилиш

материаллари, конструкциялар, электр техникаси ва кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, логистика ва тренинг маркази ташкил этилади.

Умуман, саноат зонасидаги барча лойиҳалар натижасида қарийб 5 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, 15 турдаги янги маҳсулот ўзлаштирилиб, 70 миллион долларлик экспорт салоҳияти яратилади. Энг муҳими, 5 мингдан ортиқ фуқаро ишли бўлади.

Президент инвесторларга кўмаклашиб, лойиҳаларни тезлаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Саноат соҳаларига мос мутахассислар тайёрлаш, ёшлар бандлигини таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари “Зомин технопарки”да режалаштирилган янги лойиҳалар тақдироти билан танишди.

Юқорида қайд этилганидек, биринчи bosқичда 9 лойиҳа бўйича ишлар бошланган. Энди иккинчи bosқич доирасида яна 5 та лойиҳа шакллантирилган.

Жумладан, “Longze Investment Group” компанияси билан ҳамкорликда хавфсизлик ва тиббиёт техникалари, “Foxit” компанияси билан ноутбук, планшет, сервер, роутер каби замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, чарм ва спорт пойабзаллари, қурилиш материаллари, чинни идишлар, кимё маҳсулотлари бўйича лойиҳалар кўзда тутилган.

Уларнинг умумий қиймати 250 миллион доллар атрофида бўлиб, юқори қийматли товарлар ишлаб чиқарилади. Тайёр маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизи ташқи бозорга йўналтирилади.

Жиззах вилоятида хорижий инвестициялар миқдори йил сайин ўсиб бормоқда. 2018 йилда вилоятда бор-йўғи 18 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилган бўлса, ўтган йили бу рақам 1 миллиард доллардан ошган. Охирги саккиз йилда вилоятта 3,7 миллиард доллар инвестиция киритилган, 4 мингдан зиёд саноат корхоналари ишга тушган. Чет эл капиталли иштиракидаги корхоналар сони 260 тадан ошган.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Зомин туманида қурилаётган маиший техника заводини кўздан кечирди.

Ушбу йўналиш бўйича юртимизда катта салоҳият мавжуд. Давлатимиз раҳбари бу суръатни давом эттириб, миллий брендлар остида янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, Ўзбекистонни минтақавий “электротехника хаби”га айлантириш вазифасини қўйган. Зоминдаги завод бунинг бир қисми бўлади.

“Навоий” махсус саноат паркиннинг филиали сифатида ташкил этилган мажмуа 80 гектар майдонда жойлашган. Лойиҳанинг умумий қиймати 150 миллион доллар. Бу ерда кир ювиш машинаси, совит-кич, телевизор, электр сув иситкич каби йилига 1 миллион дона маиший техника ҳамда бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилади. 100 турдаги маҳсулотлар натижасида маҳаллийлаштириш даражаси 70 фоизга етади.

Муҳими, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 320 миллион долларни ташкил этади. Шундан 140 миллион долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилади. 7 мингдан зиёд аҳоли иш билан таъминланади.

Саноат паркида тайёрланган маҳсулотлар Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон сингари 15 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилинади.

Ҳозирги ўзгарувчан бозор талабларига тез мослашиш учун заводнинг ўзида қолпихона ҳам ташкил этилади. Замонавий логистика маркази орқали маҳсулотлар харидорга изчил етказиб берилади.

Бундан ташқари, саноат паркида “Автосаноат” АЖ таркибидagi корхоналар учун пластмасса маҳсулотлари тайёрлаш ҳам режалаштирилган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида имкониятларни тўла ишга солиш чоралари кўрилмоқда. Ўтган йил 31 декабрда Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича Президент қарори қабул қилиниб, зарур масалалар ҳал этиб берилган эди. Хусусан, унда 2025 йилда 2 миллиард доллар инвестиция жалб этиш, экспортни 285 миллион долларга етказиш, 168 минг кишини ишли қилиш чора-тадбирлари белгиланганди.

Бу вазифалар бирин-кетин бажарилмоқда. Ўтган олти ойда Жиззахда саноат, сервис ва қишлоқ хўжалигида 200 та лойиҳа ишга тушди. Вилоятта 662 миллион доллар инвестиция кириб келди.

Натижадорликни янада ошириш мақсадида Жиззах вилояти Зомин туманида ҳам “Ислохотлар штаби” тузилган.

Давлатимиз раҳбари ташрифи давомида вилоятда амалга оширилиши режалаштирилган янги лойиҳалар тақдироти билан ҳам танишди.

Хусусан, “ягона дарча” тамойили асосида қишлоқ хўжалиги хизматларини

битта жойга жамлаган “Агромарказ” ташкил этилди. Ҳосилдорликни оширишга қаратилган янгича ёндашувлар вилоятда озик-овқат маҳсулотлари сифатига ижобий таъсир этиб, аҳолининг кўпроқ даромад топишига имкон яратмоқда.

Жиззах вилояти картошкачиликни ривожлантиришга замин қилиб олинмоқда. Бугунги кунда Зомин илмий тажриба станциясида хорижий ва маҳаллий селекцияга мансуб 12 та нав бирламчи уруғчилиги йўлга қўйилди.

Одатда уруғлик картошка етиштириш 6-7 йилни ва 8 та bosқични талаб қилса, янги таклифга кўра, жараён 4 bosқичга камайтирилиб, 2 йилда тайёрланади. Бунда картошканинг янги селекция навларидан 12 тонна юқори авлод супер элита уруғлик аҳоли хонадонларига бепул тарқатилади. Натижада 120 тонна элита картошка уруғлиги етиштирилади. Лойиҳа доирасида Зомин ва Бахмал туманлари уруғлик картошка етиштиришга ихтисослаштирилади.

Шунингдек, дуқакли экинлар экиш, Зарбдор туманидаги каналда насос станциялари ва магистрал қувурлар қуриш режалари белгиланган.

Жиззахнинг турфа табиати, тоғли ва чўл ҳудудлари йилнинг тўрт фаслида ҳам саёҳат қилиш имконини беради. “Зомин” туристик-рекреацион зонаси, Зомин аэропорти ва янги йўллар бу имкониятларни янада кенгайтди. Йирик 6 та канал бўйида сайилгоҳлар ташкил қилинди. Энди “Айдар-Арнасой” қўллар тизими қирғоқ бўйида ҳам замонавий туризм маркази барпо этилади.

— Туманларга саноатни олиб кириб, одамларни ишли қилишга ҳаракат қиляпти. Илгари дашт бўлган жойларда замонавий корхоналар пайдо бўляпти. Одамларимиз ҳунаридан, томорқасидан ҳам даромад топяпти. Лекин бу бугунги натижа. Янги авлод етишиб келяпти, ёшларимизнинг билими, талаби ошиб борапти. Уларнинг ишлаши, яхши яшаши учун ҳозирдан замин яратишимиз керак. Агар имкониятлардан тўғри фойдаланилса, Зомин тумани ишсизликдан холи ҳудуд бўла олади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, Қўқдала туманининг янги марказида санъат саройи, санъат мактаби, умумтаълим мактаби ва спорт мажмуаси ёнма-ён барпо этилмоқда. Давлатимиз раҳбари бу болаларга қулай бўлишини таъкидлаб, келгуси лойиҳаларда шу усулни қўллаш зарурлигини айтган эди. Энди шу тажриба асосида Зомин туманида ҳам маданият саройи ва санъат мактаби қурилиш режалаштирилган. Маданият саройи 300 ўринли бўлиб, туман марказидаги 45 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатади. Бу ерда “Зомин сайқали” фольклор-этнографик жамоаси, 13 та тўғарак фаолият юритади.

Мутасаддиларга ушбу режалар ижроси, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожини бўйича топириқлар берилди.

Шу билан Президентимизнинг Жиззах вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
Абдужалол ҚАНОМОВ,
ЎЗА мухбирлари

ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВДАН
ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ОЛИШГАЧА
БЎЛГАН ТЎЛИҚ ЗАНЖИР
ЭНЕРГИЯ МУВОЗАНАТИНИ
ТАЪМИНЛАЙДИ



Дунё бўйича муттасил ошиб бораётган талаб сабаб сўнгги йилларда энергетик барқарорликни таъминлаш долзарб масалага айланиб улгурди. Бошқа томондан, экологик муаммолар тобора кучайиб бораптики, бу икки жиҳат қўшилиб қайта тикланадиган, яъни “яшил” энергетикани ривожлантиришни стратегик заруратга айлантирмоқда.

Шу боис, салоҳиятли давлатлар унинг муқобили йўллариغا интилмоқда. Жаҳондаги иқтисодий қақриқлар, юзага келган мураккаб вазият энергия манбаларидан янада самарали фойдаланиш, “яшил” энергетикага эътиборни кучайтириш, янгидан янги лойиҳаларни ҳаётга татиқ этишни тақозо қилмоқда.

► Давоми 2-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БИЗГА КАТТА
ОРЗУЛАР ҚИЛИШНИ ЎРГАТДИ

МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ЛОЙИҲАЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАЯНМАН

Хорижга иш қидириб бориб, дехкончилик билан шуғулландим. Ўшанда нимага ўзимизда шунча ер бор-у, бегона юртда мардикорлик қиляпмиз деб, ўзимга ўзим савол берардим. Чет элда кичкинагина ерда ҳам бозоргир маҳсулотлар етиштириб яхшигина даромад топиш мумкинлигини кўриб, ўзимизда ҳам пахта, ғаллани камайтириб, мана шундай экинлар экиб даромад топиш, ерни ҳақиқий эгаларига бериш мумкин-ку деб ўйлардим.

► Давоми 2-бетда



ФАРҒОНА ҲАММА СОҲАДА ЎЗГАРИШ,
ЯНГИЛАНИШЛАР ШУКУҲИ ИЛА ЮКСАЛМОҚДА



Биз танлаган йўл



Фарғона вилояти мамлакатимизнинг йирик ижтимоий-иқтисодий, савдо, маданий ва адабий марказларидан бири бўлгани боис, уни юрт гавҳари ва марвариди сифатида эътироф этишади.

Қадимги Хитой солномаларида бу ҳудуд “Даван”, “Паркана”, “Тоғлар ўртасидаги водий” каби атамалар билан таърифланган. Ҳиндистон ва Хитойга бориладиган катта қарвон йўлида жойлашган масканда

Жиззахнинг турфа табиати, тоғли ва чўл ҳудудлари йилнинг тўрт фаслида ҳам саёҳат қилиш имконини беради. “Зомин” туристик-рекреацион зонаси, Зомин аэропорти ва янги йўллар бу имкониятларни янада кенгайтди. Йирик 6 та канал бўйида сайилгоҳлар ташкил қилинди. Энди “Айдар-Арнасой” қўллар тизими қирғоқ бўйида ҳам замонавий туризм маркази барпо этилади.

► Давоми 3-бетда

ИНСОН ҲАЁТИ ХАВФСИЗЛИГИ
ҲАР НАРСАДАН УСТУН

Бугунги кунда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш нафақат миллий, балки глобал миқёсда долзарб масалалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Жорий йил 9 июль куни Президентимиз раислигида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, инфратузилмасини яхшилаш ва тирбандликларни камайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди, зарур вазифалар белгиланди.

Транспорт технологияларининг жадал ривожланиши, автомобиллар сони, урбанизация ва ҳаракат оқими ортиши фонида йўл-транспорт ҳодисалари (ЙТХ) сони ҳам ўсиб, кўплаб инсонлар ҳаётига зомин бўлмоқда.

Бунинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар, қилинаётган ишлар самарадорлиги эса

кадрлар тайёрлаш сифатига бориб тақалади. Бир неча йилдирки, Ўзбекистон Республикаси ИИБ академияси магистратураси тингловчиларининг дунёдаги энг нуфузли турдош таълим муассаса ва маҳкамаларида тажриба алмашиши йўлга қўйилган.

► Давоми 4-бетда

ВИРТУАЛ ОЛАМ

ИМКОНияТМИ
ЁКИ ХАВФ?

► 5



“Ўзбекистон — 2030” стратегияси

ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ОЛИШГАЧА БЎЛГАН ТЎЛИҚ ЗАНЖИР ЭНЕРГИЯ МУВОЗАНАТИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Бошланиши 1-бетда

Иқлим ўзгаришлари, анъанавий ёнилғи ресурслари камайиб бораётгани, ўз навбатида, қимматлашуви, экологик талаблар кучайиши, буларнинг барчаси ишончли ва самарали энергия таъминотига талабни оширмоқда. Бу, айниқса, йирик sanoat корхоналари учун муҳим. Чунки бу рақобатбардошликни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Мамлакатимизда бу борадаги ишлар тизимли равишда, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. “Яшил” энергетика ва барқарор ривожланиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Зеро, бу орқали, биринчи навбатда, энергия ресурсларини тежаш, атроф-муҳит муҳофазатини таъминлашга эришилади.

Юртимизда энергия тизимини диверсификациялаш, экологик тоза энергия манбаларини кенгайтириш бўйича кенг қўламли ислохотлар кечмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилда Ўзбекистонда 117 миллиард киловатт-соат, 2035 йилда эса 135 миллиард киловатт-соат электр энергияси талаб этилади. Яъни бу кўрсаткич ҳозиргидан 1,7 баробар кўп. Бу янги электр станциялари ва энергия сақлаш қувватларини барпо этишга реал зарурат мавжудлигини аниқлади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини зарур энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлашга қаратилган қатор мақсад ва вазифалар белгиланган. Иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжи учун етказиб бериладиган электр энергияси миқдорини 120 миллиард киловатт-соатга, табиий газ қазиб олиш ҳажминини 62 миллиард куб метрга етказиш ва иқтисодиёт тармоқларининг энергия самарадорлигини 2 баробар ошириш шулар жумласидандир.

2030 йилга қадар яна қайта тикланувчи энергия улушини 54 фоизга етказиш мақсад қилинган. Айни мақсадда жорий йилда 3400 мегаваттлик 18 та қуёш ва шамол станцияси ҳамда 1800 мегаваттлик сақлаш тизимлари ишга туширилади. Натижада келгуси йили “яшил” энергия ишлаб чиқариш ҳажми 12 миллиард киловатт-соатга етади. Бу 5 миллион хонадоннинг йиллик истеъмолига тенг миқдор.

Бугуннинг гапи



Бошланиши 1-бетда

Баъзан юртимизда деҳқончилик қилиб, ўзимизда етиштирилган маҳсулотларни экспорт қилиб, бой-бадавлат яшаётганимни тасаввур қилардим. Шундай ширин орзулар кучоғида уйга қайтдим. Бунга қарангки, тасаввурларим рўёбга чиқа бошлади.

Бир куни маҳалламиз ёшлар етакчиси ёшларга бир гектардан ер ажратилаётгани ҳақида айтди. Йигирма нафар тенгқурлар аукционда иштирок этиб, 1 гектардан ер олиб, “маҳалла еттилиги” тавсияси билан кооперация ташкил қилдик. Жўраларим кооперация расислигига мени сайлади. Ўтган йили ҳар биримиз еримизнинг беш сотихида иссиқхона ташкил қилиб, бодринг, помидор, булғор қалампир иштиртдик. Бу соҳада тажрибамиз камлигига қарамай, қарийб қўзланган фойдани олдик. Ернинг қолганига ҳаммамиз қовун-тарвуз экдик. Ўтган йили қовун-тарвуз нархи нисбатан арзон бўлди, шундай бўлса ҳам 20-30 миллион сўмгача даромад қилдик. Аҳамиятлиси, хорижда тўплаган тажрибаларим асосида кооперация аъзолари билан келишиб, қовун-тарвуз ўрнига иккинчи экин сифатида таваккал қилиб брокколи қарами экишга қарор қилдик.



Эътиборлиси, “яшил” қувватлар ҳисобига 6,5 миллион тонна зарарли газларни атмосферага чиқаришнинг олди олинади.

Умуман, Ўзбекистонда “яшил” энергетика соҳасидаги ислохотлар нафақат энергетик мустақиллиги таъминлайди, балки барқарор ривожланиш, янги иш ўринлари яратиш ва глобал иқлим ўзгаришларига қарши курашда муҳим аҳамият касб этади.

Бутун дунё, хусусан, юртимизда “яшил” энергетика томон сезиларли бурилишга қарамай, нефть-газ sanoati глобал энергия баланснинг муҳим таркибий қисми бўлиб қолмоқда ва у иқтисодиётнинг реал сектори, айниқса, sanoati ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида бошқа устувор йўналишлар каби ушбу соҳани келгусида барқарор ривожлантириш иштиқболлари, юзга келаётган вазият ва замонавий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда эришиш зарур бўлган мақсадлар ҳам аниқ белгилаб берилган.

Хусусан, иқтисодиёт тармоқларининг энергия самарадорлигини икки баробар ошириш, электр энергияси ва табиий газни тақсимлаш, генерация қилиш ва истеъмолчига етказиш инфратўлиқсини модернизациялаш, углеводородлар хомашёси захираларини кўпайтиришга қаратилган геология-қидирув ишларига хорижий инвесторларни жалб қилиш, барча турдаги энергия ресурслари ҳисобини юритишнинг тўлиқ рақамлаштириш шулар жумласидан.

Соҳадаги ўзгаришлар, мавжуд энергетика объектиларини тўлиқ технологик ва техник қайта жиҳозлаш, уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш битта мақсад — аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳалқимизни барқарор энергия ва иссиқлик билан таъминлашга қаратилган.

Президентимиз жорий йил 21 июль куни нефть-газ соҳасида хорижий ҳамкорлар билан амалга оширилаётган ишлар ҳамда куз-қиш мавсумига тайёрларлик чора-тадбирларига оид тақдиротда ҳам мамлакатимизда Ўсиб бораётган талабга мос равишда энергетика изчил ривожлантирилаётганини алоҳида қайд этди.

Бунда давлатимиз раҳбарининг хорижий ташрифлари ва улар доирасида ўтган бизнес-форумлар натижасида амалга оширилаётган қатор лойиҳалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Президентимиз истиқболли майдонлар бўйича аниқ лойиҳаларни шакллантириш, геология-қидирув ишларидан тайёр маҳсулот олишгача бўлган тўлиқ занжирни йўлга қўйиш юзасидан кўрсатмалар берди, — дейди энергетика вазيري Жўрабек Мирзамаҳмудов. — Шу билан бирга, амалдаги хорижий ва қўша корхоналарда янги бурғилаш усулларини қўллаш, қудқлар самарадорлигини ошириш орқали нефть ва газ ҳажмини кўпайтириш зарурлиги ҳам таъкидланди.


Тақдиротда қатор муҳим масалалар, жумладан, давлатимиз раҳбарининг Озарбайжонга ташрифи давомида эришилган келишувлар ижроси муҳокама қилинди. Бунда “Socar” компанияси билан биргаликда истиқболли майдонларда геология-қидирув ишларини олиб бориш бўйича айни пайтдаги ҳолат, ишларни жадаллаштириш жараёнлари бўйича маълумот берилди.

Мазкур компания билан Устурутдаги конларда қидирув ўтказиб, нефть қазиб олиш бўйича эришилган келишувлар бўйича қисқа муддатларда барча ҳужжатлар тайёрланди ва жорий ҳафта охирида тақдирот битими имзоланди.

Шунингдек, бошқа хорижий давлатлар билан мурраккаб конларни ўзлаштириш, соҳани рақамлаштириш, талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш каби муҳим йўналишларда ҳамкорликда қилинаётган ишларни жадаллаштириш борасида ҳам топириқлар берилди.

Яна бир муҳим вазифалардан бири — куз-қиш мавсумига тайёргарлик масалалари қўриб чиқилди. Айни пайтда бунинг учун етарли энергия ишлаб чиқариш, газ омборларида жамғариш ва мувозанатли етказиб бериш борасида зарур чора-тадбирлар белгиланиб, ишлар бошлаб юборилган. Жумладан, айни пайтда тегишли тармоқ ва подстанцияларни таъмирлаш бошланган. Иссиқлик станциялари барқарор ишлаши учун зарур ёқилғи, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар захиралари шакллантирилмоқда.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БИЗГА КАТТА ОРЗУЛАР ҚИЛИШНИ ЎРГАТДИ

МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ЛОЙИҲАЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАЯПМАН

Ушбу экиндан яхшигина фойда қилиш мумкин, фақат харажати бошқа экинларга нисбатан анча қimmat тушади. Шу боис, кўпчилик кооперация аъзолари таваккал қилишга иккиланди. Аммо раис сифатида уларни даромад қилишга ишонтириб, таваккалига брокколи қарамини экдик. Меҳнатларимиз самара берди. Етиштирган маҳсулотларимизни экспорт ҳам қилдик. Фойдамиз шунга яраша бўлди. Баъзилар 150 миллион сўмгача даромад қилди. Муҳими, бу соҳа бўйича тажриба орттирдик.

Мана шу муваффақиятларим сабаб жорий йилнинг 14 февраль куни Президентимизнинг ёшлар билан учрашувида қатнашиб, эришган муваффақиятларимни, агар бошқа ёшларга ҳам шундай имконият берилса, чет элга бориб ишлашга ҳожат йўқлигини, мамлакатимизда ҳам ернинг ўзидан зўр даромад топиш имкони борлиги ҳақида гапириб бердим. Президентимиз хурсанд бўлиб, муваффақият тилади. Бундай ишонч бизга жуда катта энергия берди.

Кооперация аъзолари билан келишиб, бу йил ҳам иссиқхонамизга дастлаб помидор, булғор қалампирини экдик. Кўз тегмасин, даромадимиз яхши. Бозорни ўрганиб, иккинчи экинга октябрда пишадиган бодринг экмоқчимиз.

Ерга эса ҳаммамиз “Бир контур — бир маҳсулот” тамойилига риоя қилиб қовун экдик. Бу йил нархлар ўтган йилгига нисбатан анча яхши. Шунга қараб даромадимиз ҳам салмоқли бўлмоқда. Бир гектардан 45-50 тоннагача қовун олмақчимиз. Килосини уч ярим минг сўмдан сотаяпмиз. Кеча беш гектар ердаги полиздан 25 тонна қовун сотдик. Қовунларимиз энди ҳосилга кирди, шунинг учун бу йил тақририй экинга брокколи қарамини бошқа жойлардан ер олиб экмоқчимиз. Шахсан ўзим битта фермер билан гаплашиб, гапладан бўшаган 9 гектар ерга брокколи қарами экмоқчиман.

Аҳамиятли томони, бу йил брокколи қўчатини ўзимиз етиштирдик. Бу харажатларимизни камайтириб, даромадимизни оширади. Агар яхшилаб қаралса, гектаридан 15 тоннадан зиёд ҳосил олиш мумкин. Жорий йил шахсан ўзим деҳқончиликдан 500 миллион сўмдан зиёд даромад топомқчиман.

Президентимизнинг 2024 йил 5 апрелдаги “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ёшларга аукцион орқали ер ажратилмоқда. Ушбу ерлардан самарали фойдаланилса, кооперация ташкил қилиниб, “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида маҳсулот етиштирилса, харидорнинг ўзи излаб келади. Бизда ҳали харидор-гир маҳсулот етиштириб, даромад қилиш маданияти тўлиқ шаклланмаган. Мисол учун, кўпчилик иккинчи экинга харажати кам деб мош экди. Тўғри харажати кам, аммо даромад ўша харажата ҳам яраша эмас. Юқорида таъкидлаганимдек, агар ёшлар бирилашиб, харидоргир маҳсулот етиштирса, чет элда топадиган даромадини оиласи бағрида икки-уч баравар зиёди билан топади.

Келаси йилдан кооперация аъзоларимиз билан келишиб, иссиқхонамизда қўлунпай экмоқчимиз. Бунинг ҳам етиштириш технологияларини, бозорини тўлиқ ўргандик. Эндиликда янада юқори марраларни қўзлаб, қўрмай янги тажрибалар устида ишлашга иштиёқим ошди. Яқинда вилотимиз ҳокими биз — ёшлар билан учрашди. Ҳаётимиз, қизиқишларимиз, орзуларимиз, муаммоларимиз ҳақида сўради. Фурсатдан фойдаланиб, 50 гектар ерга эҳтиёжимиз борлигини айтдим. Бунинг натижасида фаолиятимиз янада кенгайтириб, экспортбон экинлар экиб, ушбу маҳсулотларни сақлаш, қадқолаш ва экспортга йўналтириш учун замонавий логистика маркази бунёд қилиш ниятимизни айтдим. Бу лойиҳа нафақат туманимиз, балки вилотимизда етиштирилаётган сархил мева-сабзавотларни экспорт қилиш имкониятини беради. Вилотимиз ҳокими тақлифларимни қўллаб-қувватлади. Ҳозир бу борада ҳам дастлабки қадамларни қўйдик. Айтганимдек, бундан уч йил олдин хорижда меҳнат муҳожири эдим. Янги Ўзбекистонимиздаги ислохотлар сабаб ҳаётим бутунлай яхши томонга ўзгарди. Оилам бағрида, эмин-эркин яшаб, меҳнат қилиб, даромад топияпман. Ишонч ва ғайрат билан киришилса, удалласа бўлар экан. Ҳозир мен учун бир йилда 500 миллион сўмгача даромад топиш орзу эмас. Миллион долларлик даромад олиб келадиган лойиҳалар ҳақида ўйлаяпман. Чунки мамлакатимизда бунинг учун етарли шаронту имконият мавжуд. Фақат меҳнат қилиш керак.

Достонбек Қўлдошев, Жизжах вилояти, Дўстлик тумани, Манас маҳалласи

Таҳлил ва таққос

АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИ, ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИДИР

Яқин йилларгача ҳудудларда тadbirkor аёллар бармоқ билан санарли эди. Бугун мамлакатдаги тadbirkorлик субъектларининг 28 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда.

Янги Ўзбекистон аёли бугун фақатгина уй бекаси эмас. У жамиятнинг бизнес, таълим, тиббиёт, санъат, қишлоқ хўжалиги, sanoatда, умуман, барча жабҳада янги гоёлар ва ташаббуслар билан ўз ўрнини топаётган фаол аъзосидир. Сурхондарё вилотида ҳам ишбилармон ҳамда тadbirkor аёллар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда.

Бугун вилотда қарийб 2 миллион 959 минг аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, 1 миллион 461 минг 595 нафари, яъни 49,3 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Шундан 411 минг 741 нафари иқтисодий фаол хотин-қизлардир.

— Хотин-қизлар тadbirkorлигини ривожлантириш, уларни ишбилармонликка йўналтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Бу борада вилотимизда ҳам кенг қўламли ишлар қилинмоқда, — дейди вилот ҳокими ўринбосари Зулхумор Ҳидирова. — Масалан, ҳозир вилотда 5300 дан ортиқ тadbirkor аёл ўз бизнесини ривожлантириб, аҳоли бандлиги ва юрт ободлиги, халқ фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Соҳадаги ислохотлар Сурхон воҳаси хотин-қизлари учун янги имконият эшикларини очмоқда. Эътибор беринг: ўтган йилнинг ўзида 20 минг 599 хотин-қиз турли йўналишларда фаолият бошлаб ўзини ўзи банд қилган. Натижада 36 минг 83 хотин-қизнинг бандлиги таъминланган.

Термизлик Ойдин Шарофиддинова замонавий ва кенг дунёқарашли тadbirkorлардан. У меҳмонхона бизнеси билан шуғулланади. Унинг “Ассон” меҳмонхонасида хизмат сифатидан тортиб дизайн-гача — ҳаммаси миллийлик ва замонавийлик уйғунлигида ташкил этилган.

— Интуиция, муҳаббат ва гўзалликка интилиш. Бу жиҳатлар бизнесда аёلнинг ўзига ҳос кучини кўрсатади, — дейди Ойдин Шарофиддинова. — Тadbirkor сифатида эришаётган ютуқларим ортида, аввало, хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва интилишлари қўллаб-қувватланаётгани мужассам. Бугун мен каби тadbirkor аёллар авваллари мураккаб туюлган ва эркакларга ҳам қийинчилик туғдирадиган меҳмонхона туризми каби муҳим соҳаларда катта ютуқларга эришмоқда.



Воҳада қайси тadbirkor аёлнинг гапига қулоқ тутманг, муваффақиятлари ортида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, улар учун яратилаётган имтиёзлар, субсидиялар ва имкониятлар тизими самарали ишлаётгани турганини айтади.

Меҳнат, интилиш ва аёлга хос меҳр — нозик хилқат вакиллари қаерда ишламасин, ўша ерда ана шу учлик уйғунлиги сезилиб туради. Юртимиздаги минглаб тadbirkor аёлнинг бугун ўзи асос солган ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд.

Ана шундай эътибор сабаб термизлик Маҳбуба Давлатова ёшлигидан ўзи ёқтирган ишни бизнесга айлантира олди. У бошчилик қилаётган қандолат цехида ҳар куни 1500 қутидан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилимоқда. Буортмалар асосида тайёрланадиган ширинликлар нафақат маҳаллий тўй ва тadbirkor, балки қўшни вилотлар бозорига ҳам юборилади. Корхонада 30 га яқин аёл иш билан таъминланган. Улар учун бу ер нафақат даромад майдони, балки ўзига ишонч ва мустаҳкам турмуш пойдеворидир.

— Аёл кишининг иши меҳри билан уйғун келса, натижаси аъло бўлади. Сафимиздаги ўнлаб тadbirkor аёл нафақат иқтисодиётга, балки жамиятнинг ижтимоий қиёфасига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Бугун бу аёлларнинг ўз салоҳияти кучига ишончи бошқача, — дейди Маҳбуба Давлатова.

Термиз шаҳрида тadbirkor аёл Манзура Сунондикова бошқарувидаги субъект ҳам кейинги йиллардаги ўзгаришлар маҳсули. Маграс тўшамаси, қўрпа-ёстиқ жилдлари, бўз ёпинчқилар ишлаб чиқарадиган мазкур хусусий корхонада меҳнат қилаётган 7 аёл ишчининг 5 нафари ногиронлиги бўлган шахс. Айни вақтда йиллик 480 миллион сўмга яқин даромадга эга корхона жомаси йирик шартнома келишувларни амалга оширишни қўзламоқда. Бунинг натижасида иш ўринлари кўпайиб, ишчи-ҳодимларнинг ойлигини ҳам ошириш мақсад қилиняпти.

Мамлакатдаги энг йирик туманлардан бири Деновда истиқомат қиладиган Мадина Мўҳсинова маҳорати билан нафақат деновликлар, балки Сарисоё, Узун, Олтинсой, Шўғурчи туманлари аҳолиси эътирофини қозонган тикувчи.

У бошчилигидаги цехда бугун нафақат чиройли ва замонавий либослар тикилади, балки бу хўнарга қизикқан хотин-қизлар касб сирини ҳам ўрганади. Шу орқали уларнинг орзуларига йўл очилмоқда.

Мадина Мўҳсинова оилавий тadbirkorлигини бошлаганига кўп бўлмаган эса-да, ҳозир бир нечта иш ўрни яратди. Бу эса хотин-қизлар учун яратилган имкониятлар ва берилган имтиёзларнинг яна бир самарасидир.

— Туманимизнинг Буюк келажак маҳалласида янги массив бунёд этилди. Аввал Деновда энг банд иморат уч қаватдан нарига ўтмасди. Ҳозир маҳалламизда 16 қаватли уйлар қурилган. Бу кўп қаватли уйларнинг ертўласи биз каби тadbirkorларга мўлжаллаб қурилган. Ундан самарали фойдаланиб, ўз меҳнатимиз ва изланишларимиз билан каттагина тикувчилик цехини ташкил этдик. Ҳозир бу ерда бежирим либослар тикиш баробарида бир неча йўналишни қамраб олган замонавий кичик корхона ҳам ташкил этганмиз.

Зулфия Шеркулова Денов туманининг Сурнай-тепа маҳалласидан. У болалигидан тикувчиликка қизиқиб, бу хўнарга меҳри барвақт уйғонган. “Аёллар дафтари”га киритилгач, мономарказда ўқий имконига эга бўлди. Шу орқали орзусини амалга ошириш сари қадам ташлади. Зулфия Шеркулова марказда тикувчиликни мукамал ўргангач, тажрибасини амалиётда қўллашга киришди. Маҳалласида тadbirkor аёл Мадина Мўҳсинова очган тикувчилик цехи эса Зулфия учун ўз соҳаси бўйича иш бошлашда муҳим поғона бўлди.

— Биз каби аёллар бугун фақатгина орзу қилмаппти, улар умидларини амалга оширмоқда. Катта-кичик корхоналарни қатъият билан бошқараётган Мадина опа сингари замондошларимизни қўриб, меҳр билан ишлайпмиз. Уларнинг юзлаб янги иш ўрни яратаяётганини кўриб қувонамиз. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги

бор биз каби аёллар учун яратилган имкониятлар ҳам моддий, ҳам руҳий куч бўляпти, — дейди Зулфия Шеркулова.

Шўрчи туманидаги Зарбдор маҳалласида яшовчи Менгнора Жўраева оила аъзолари кўмағида асарларичилик билан шуғулланмоқда.

— Оила аъзоларимизнинг асарларичиликка қизиқиши ортиб, даставвал ишни 4-5 қўти ари парваришладан бошлагандик, — дейди Менгнора Жўраева. — Ҳозир асалари қўтиларимиз сони 39 тага етди. Маҳалламизда бу соҳага қизикадиган аёллар сони ортиб бормоқда.

Асал сони ортиб эрта баҳордан бошланиб, кеч кузга қадар давом этади. Битта қутидан бир мавсумда ўртача 25 кило асал олинади. Бу битта оила учун яхшигина даромад. Ҳа, бугун даромад топаман, тadbirkorлик билан шуғулланаман деган юртдошларимиз учун барча имкониятлар эшиги очик. Бу имкониятлардан Менгнора Жўраева каби аёллар оқилона фойдаланиб, оиласига қўшимча даромад олиб келмоқда.

— Ҳар бир аёлнинг ташаббуси, меҳнати фақат шахсий муваффақияти эмас, балки бутун жамиятнинг ҳар томонлама ривожланиши учун муҳим. Сурхондарёдаги тadbirkor хотин-қизлар ўз бизнеси орқали оиласи фаровонлигини таъминлаш билан бирга вилот иқтисодиётини, қолаверса, маънавиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Иқтисод яхши бўлса, илмга, маданиятга, маърифатга, маънавиятга йўл очилади, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази Сурхондарё вилоти бўлинимаси раҳбари Нарғиза Раҳматуллаева.

Аёллар тadbirkorлиги учун тенг ва кенг имкониятлар яратилаётгани иқтисодиётимиздаги самарали кўрсаткичларни янада яхшилашга хизмат қилмоқда. Натижада юртимиз катта ижобий ўзгаришларга юз тутмоқда.

Сарвар Тўраев, “Янги Ўзбекистон” мухбири



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

ИНСОН ҲАЁТИ ХАВФСИЗЛИГИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

Бошланиши 1-бетда

Хитой Жамоат тартибини сақлаш вазирлиги тақлифига асосан, академия магистратурасига ўқишга кирган 5 тингловчи ўтган йилнинг сўнгги чорагида ХХРда бўлиб қайтди. Улар бугунги кунда магистр даражасини олиш учун диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Соҳада ҳали долларб масалалар кўп-лигини инобатга олиб, йўл ҳаракати

Шариф ҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ академияси профессори:



— Давлатимиз раҳбари хавфсизлик прагматизмида асосий диққат-эътиборини инсон ҳаёти, унинг хавфсизлигини таъминлашга қаратаётди. Бизда “Йўл қурганинг йўли очик” деган нақл бор. Шу маънода, сўнгги йилларда йўл қурилиши ва таъмирлашга 61 триллион сўм ажратилгани, бу 2017 йилгача бўлган рақамдан 3,5 баробар кўп экани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Онлайн мурожаат тизими ишга тушиб, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимларига келадиганлар 50 фоиз камайти. Соҳадаги 3,5 мингга яқин ходим электрон планшет ва бодикамера билан таъминланди. Қоидабузарликларни сунъий интеллект асосида саралаш ва қарор чиқариш амалиёти жорий қилинди. Шаҳарларда жамоат транспорти учун махсус йўллар ажратилди. Шу йилнинг июнь ойида ҳайдовчиларга қатор энгилликлар жорий этилди. Жумладан, биринчи марта ҳуқуқбузарлик қилганларни жазолаш эмас, огоҳлантириш йўлга қўйилди.

Шароф ИСЛОМОВ,
подполковник, ИИВ академияси
магистратураси битирувчиси:



— Юртимизда бир неча йил олдин жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун жазима баллари тизими жорий этилиши белгиланган эди. Унга кўра, ҳайдовчи тезликни оширса 1 балл, қизил чирокда ўтса 3 балл ҳисобланади. Агар бир йилда қоидабузарликлар жами 12 баллдан ошса, ҳайдовчи автомобиль бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади ва қайта имтиҳон топиради. Шунингдек, автомобилни тартибсиз бошқариб, бошқа ҳайдовчиларга ҳалақат қилганлик учун алоҳида “йўл безорилиги” деган янги жавобгарлик тури киритилди, бу “ўпкаси йўқ”, “зўравонлар”ни ҳам тартибга солиди.

Йўлларда ҳайдовчилик маданиятини ошириш жуда долзарб масала. 2024 йилда қарийб 20 мил-

хавфсизлигини таъминлаш йўналишида раҳбар лавозимларда кўп йиллар хизмат қилган, фаолият юритган ходимлар билан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга таҳдид солаётган омилар, хавфсизликни таъминлаш борасида ҳуқуқий ва институционал чора-тадбирлар, қонун устуворлиги, ҳайдовчи маданияти, ҳуқуқи, мажбурият ва масъулияти, йўл-патруль хизмати тизимида касбий компетентликни ошириш мавзуларида давра суҳбати уюштирдик.

Энди эслайлик. Президентимиз раислигида 2022 йил 11 февраль куни йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди. Ушунда йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш масаласини 2017-2022 йиллар мобайнида бирор раҳбар, бирорта ташкилот жиддий ва таҳлилий муҳокама қилмагани афсус билан тилга олинган. Мазкур соҳага доир қонунлар мутлақо қониқарсиз баҳоланиб, давлатимиз раҳбари “Йўл ҳаракати хавфсизлиги масаласи издан чиқиб кетган. Бу одамларнинг эътирозига сабаб бўлапти”, дея халқ дилидаги гапни айтганди.

Қуйидаги ташвишли рақамларга эътибор беринг. Мамлакатимизда 2024 йилда 9,5 мингга яқин йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Қарийб 9 минг фуқаро жароҳат олиб, афсуски, 2203 одам ҳаётдан кўз юмган. “Ҳар тўртинчи аварияда бир киши ёки кунига ўртача олти киши вафот этаётгани барчани қаттиқ ташвишга солиш керак”, деди Президентимиз видеоселектор йиғилишида.

Халқимиз бежиз “Бир йигит йиқилса, она йиқилди, ота йиқилди, оила мотамга ботади, кишлоқ йиғилади”, демайди. Ўн, юз йигит йиқилса-чи? Ахир авариялар туфайли келинчаклар бева қолмоқда, оналар “болом!” деб фарёд чекяпти. Йўқ, бунга чек қўйиш вақти келди!

ЙТҲларнинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: ҳайдовчиларнинг белгиланган тезликни ошириши, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслик, ҳайдовчиларнинг тажрибасизлиги, йўл инфратузилмаси нуқсонлари, жумладан, пидедалар ўтиш жойларининг етарли эмаслиги, ҳайдовчиларнинг чарчоқ ҳолатида транспорт воситасини бошқариши қабиладир. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, транспорт ҳодисаларининг кўпига ҳайдовчиларнинг

лионга кўпол қоидабузарлик содир этилган. Айрим ҳайдовчиларда бу сурункали тус олган.

Уларнинг аксариятини автомобиль транспортда йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шугулланиш, ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик, ҳақорат қилиш, газ мосламаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиш жабранувишга енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши, транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш қабиладир ташкил этади.

Энди ашаддий ҳуқуқбузарларга қонун кучини кўрсатиш мақсадида “Сурункали қоидабузарлар” дастури ишга туширилади. Қарама-қарши томонда ҳаракатланиш, қизил чирокда ўтиш ёки тезликни ошириш каби қоидабузарликларни такроран қилганлар учун бир йилгача жазимадан чегирма берилмайд. Бундай ҳуқуқбузарликлар бир ой ичида 10 тадан кўп бўлса, олти ойгача ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилинади. Мевёрдан 2-3 қарра тез юрганлар ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилишгача жазоланиши мумкин.

Қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки қонун — халқнинг хоҳиш-иродаси! Ўни бузган, менсимган одам қилинган юзига оёқ қўйган кишидир. Савол туғилади: булар кимлар? Жавоб берамиз: булар қонунни, тартибни, инсонларча яшаш нормаларини ва ўзини ҳурмат қилмайдиган, қонунларга бепасанд кимсалардир. Минг афсуски, бизда қонунларни менсимасликка, уларни бузишга ўрганиб қолганлар талайгина. Биз қонунни ҳурмат қилиш, унга бўйсунуш, риоя қилиш йўлидан борсак, албатта, уларни тартибга оламиз.



Отабек УМАРОВ,
подполковник, ИИВ академияси
магистратураси битирувчиси:

— Ҳайдовчиларнинг умуминсоний маданияти, ҳайдовчи этикаси йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда асосий омилардан бири. Ҳайдовчилик маданияти ҳайдовчидан доимо бошқаларга нисбатан инсонийлик, олижаноблик, ҳушфевллик, меҳрибонлик, самимият, ширинсўзлик, меҳнатсеварлик, ростгўйлик каби фазилатларни намоеъ этишни талаб қилади. Ҳар бир ҳайдовчининг маданияти ўзи яшаб турган жамиятга муносабати, оила ва жамоат жойида ўзини тутиши, дунёқароши, ахлоқ-одоби билан баҳоланади.

Ҳайдовчи бошқа йўл ҳаракати иштирокчилари ва пидедалар қоидабузарликка йўл қўйганида, кўпол хатти-ҳаракат қилганида асабийлашмай, жуда ваэминлик билан иш тутиши лозим. Ҳайдовчининг пидедалар йўлкасида ёки йўл ёқасидаги пидедаларга лой, сув сачратиш, товушни ишора бериб,

асабига тегиши маданиятсизлик ҳисобланади. Шунингдек, маданияти ва касб маҳоратини ҳайдовчининг автомобиллини қаерга ва қандай қўйишидан ҳам билса бўлади. Транспорт воситасини бошқараётганда турли омиларни ҳисобга олиш лозим. Булар



“**Яна бир жиҳат. Илгари йўл ҳаракати хавфсизлиги инспектори ҳақида халқимизда салбий ижтимоий фикр шакллангани бор гап. Бугунги инспекторлар бундан 3-5 йил олдинги инспекторлар эмас. Инспекторларнинг аксарияти ҳалол, пок, ўз хизмат вазифаси масъулиятини чуқур англаган ходимлар. Бугун онги, дунёқароши ўзгарган, шарафни ўзгарган, шарафини қадрлайдиган инспекторларнинг замонавий қиёфаси шаклланмоқда.**”

йўл қоидаларини қасддан менсимаслиги ва тажрибасизлиги, пидедаларнинг қоидаларга амал қилмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Яна бир жиҳат. Илгари йўл ҳаракати хавфсизлиги инспектори ҳақида халқимизда салбий ижтимоий фикр шакллангани бор гап. Бугунги инспекторлар бундан 3-5 йил олдинги инспекторлар эмас. Инспекторларнинг аксарияти ҳалол, пок, ўз хизмат вазифаси масъулиятини чуқур англаган ходимлар. Бугун онги, дунёқароши ўзгарган, шарафни қадрлайдиган инспекторларнинг замонавий қиёфаси шаклланмоқда.

Президентимиз томонидан ички ишлар органлари учун юксак малакали кадрлар тайёрлаш борасида илгари сурилган концептуал гоялар, жаҳонда тан олинган олий таълим стандартларига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси ИИВ академиясининг таълим

Азамат УМАРОВ,
подполковник, ИИВ академияси
магистратураси битирувчиси:



мобил йўлларда инсон ҳаёти ва соғлигини ҳар қандай ҳодисалардан қафолатли ҳимоя қилиш мақсадида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб йўналишлари белгиланган. Автомобиль йўллари инфратузилмасини тақомиллаштириш ва сифатини яхшилаш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг “пидеда — жамоат транспорти — велотранспорт — автотранспорт” устуворлиги асосида хавфсиз ҳаракатланиши учун ишончли шарт-шароитлар яратишга эътибор қаратилган.

Шунингдек, ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимига инновацион педагогик технологияларни жорий қилган ҳолда ўқув жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, ҳайдовчи ва пидедаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини ошириш, ҳар қандай қоидабузарлик учун жазо муқаррарлигини таъминлаш каби вазифалар қўйилган.

Бундан ташқари, йўл ҳаракати қоидаларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш ҳамда уларни такроран бузиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида 2022 йил 1 декабрдан бошлаб қўйидаги тартибни назарда тутуви ҳайдовчиларга йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жазима балларини ҳисоблаш тизими жорий этилиши назарда тутилган: ҳар бир йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун 12 ой давомида алоҳида жазима баллари ҳисоблаб борилади, ҳисобланган жазима баллари белгиланган миқдордан ошган ҳолларда ҳайдовчи муайян муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ўрнатилган тартибда маҳрум қилинади.

ўзининг жисмоний, психологик ҳолати, ўзи бошқараётган транспорт воситаси, унинг техник ҳолати, бошқа транспорт воситалари, транспорт ҳаракатланаётган йўл, табиий шaroит, йўловчи, пидедалар ва ҳоказо.

Кўча ва йўллардаги тартибузузарлар ҳам ўзимиздан чиққан шахслар, одамлар. Демак, биз улар билан бирга яшашимиз, етилган барча муаммоларни биргаликда ҳал қилишимиз керак. Одамларни ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлардан тўхтатиб қолишда ҳуқуқий тарғибот, таълим-тарбия ишлари таъсирчанлигини оширишимиз зарур. Бу жуда масъулиятли бурч.

9 июль куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида бир неча масала ойдинлаштирилди: айрим ҳолларда қоидабузарлик учун орадан бир неча ой ўтгач, жазима қўллаш қарори чиқарилаётгани тушунмовчилик ва эътирозларга сабаб бўлаётгани, ушбу муаммо ечимни топилиб, эндиликда қоидабузарлик содир этилган кундан бошлаб бир ойда қарор чиқмаса,

тизими ва мазмунини миллий манфаатларимизга мослаштириш, бунда илгор хориқ тажрибаларидан самарали фойдаланиш, дунёда энг нуфузли турдош таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик қила оладиган олий таълим масканига айлантириш борасида тизимли ишлар қилинмоқда.

Ушбу янги талаблар асосида магистратурада ўқув жараёнининг тузилиши қайта қўриб чиқилди. Давр нафасига мос келувчи, мутлақо янги мазмундаги ўқув дастурлари, уларнинг негизига ўқув фанлари яратилмоқда. Илмий, ўқув, ўқув-методик адабиётларнинг янги авлоди тайёрланиб, чоп этилмоқда. Назария ва амалиёт уйғунлигига эътибор қаратилиб, муассасамиз ўқув жараёнларига таълиқ олимлар ҳамда катта тажрибага эга амалиёт ходимлари жалб этилмоқда.

Абдунаби НОСИРОВ,
полковник, ИИВ академияси
магистратураси битирувчиси:

— Йўл инфратузилмасини ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий талабларига тўлиқ мувофиқлаштириш, ушбу соҳадаги қоидабузарликларнинг барвақт профилактикасига йўналтирилган самарали тизимни йўлга қўйиш, шунингдек, инсон омилини истисно қилувчи рақамли технологияларни кенг жорий қилиш талаб этилмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 4 апрелдаги “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, ўтган қисқа даврда туман (шаҳар)ларда йўл ҳаракатини самарали ташкил этиш ҳолатини баҳолаш бўйича “Хавфсиз йўл” индексининг индикаторлари ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда жамиятимизда кўп учраётган жиноятлардан бири йўл-транспорт ҳодисасидир. Шу сабабли ушбу жиноят тушунчаси, унинг олдини олиш чоралари долзарблиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу, ўз навбатида, суд-тергов органлари томонидан ушбу турдаги жиноятларни кўриб чиқиш амалиёти мурракблаштишига, айниқса, жиноят бўйича жабранувишлар сони ошиб кетиши, кенг қамровли тарғибот ишлари олиб бориш заруратини, яъни ЙТҲ иштирокчиларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишни олдимизга қўйишга қўйилган.

Жумладан, 2024 йил 19 январда қабул қилинган “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги қонун йўл ҳаракати иштирокчилари ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, йўл ҳаракатини бошқарувчи давлат органлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиди. Ҳужжатда йўл ҳаракати иштирокчиларининг билим ва маданият даражасини ошириш, замонавий технологиялар, шу жумладан, автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва видеоназорат воситаларини жорий этиш, йўл-транспорт воситаларининг техник ҳолатини назорат қилиш, пидедалар хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни кучайтириш каби асосий вазифалар ҳам белгиланган.

Аҳоли сони ўсиши, шахсий автомобиль воситалари кўпайиши ва транспорт оқими



Фарҳод УМАРОВ,
майор, ИИВ академияси
магистратураси битирувчиси:



— Йўл-патруль хизмати тизимида касбий компетентликни тақомиллаштириш масаласини йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни камайтириш ва аҳоли ўртасида ишончли мустақамлашнинг муҳим оми сифатида келтиришимиз мумкин. Шу боис, ходимларнинг назарий билимларини, амалий кўникмаларини ва маънавий-ахлоқий фазилатларини уйғун ривожлантириш тизими ва узлуксиз жараён бўлиб қолиши лозим.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари диққат-эътиборини, биринчи навбатда, инсон ҳаёти, хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини ҳал этиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботга риоя қилишга қаратаётган бир пайтда биз — жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзимизни ислоҳ этиб, лоқайдлик, бефарқлик илатидан холи бўлиб яшашга ўрганишимиз керак!

Давра суҳбатини “Янги Ўзбекистон” муҳбири
Нодир МАҲМУДОВ ёзиб олди.



ортгани, айниқса, катта шаҳарларда тирбандлик, кечикиш ва йўл-транспорт ҳодисалари каби муаммоларни келтириб чиқармоқда. Уларни ҳал этишда интеллектуал транспорт тизимлари (ИТТ) самарали ечим сифатида қаралмоқда.

Интеллектуал транспорт тизимлари ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда транспорт соҳасини бошқариш, рекаллаштириш ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга қаратилган замонавий ёндашувлар мажмуасидир. Ушбу тизимлар орқали йўл ҳаракати назорати автоматлаштирилади, реал вақтда маълумот таъминланади ва фойдаланувчиларга қулай шароит яратилади.

Шу ўринда Хитой тажрибаси ҳақида икки оғиз айтиб ўтиш жоиз. ХХРда шаҳар ичида йўловчи ташиш фаолияти билан шугулланувчи жамоат транспорти давлат тасарруфидидаги ташкилотларга, шаҳарлараро жамоат транспортлари хусусий ҳолдинларга тегишли. Жамоат транспортлари даврийлик асосида 8-10 йилда фойдаланишдан чиқарилади. Бундан ташқари, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидасини бузган ҳайдовчи ва фуқарога нисбатан чора кўришда алоҳида кодекс ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва унинг назоратини олиб бориш учун “Назорат” платформаси мавжуд. Ушбу платформа шаҳарда мавжуд кузатув камералари орқали кўчаларда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисида тўғридан тўғри маълумотларни кўрсатиб беради ва ҳодиса содир бўлган ҳудудга ёрдамчи куч-воситалар жўнатилади.



ТАЪЛИМДА МУҲИМ ДАВР

ЁЗНИ ИМКОНИАТГА АЙЛАНТИРИШ ФУРСАТИ



Отабек ЮСУПОВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети проректори

Аввало, таъкидлаш керакки, ташаббус таълим жараёнини ёзги даврга интеграциялашда муҳим қадам бўлди. Бу расмий ёндашувдан фаол, мазмунли ва талаб юқори бўлган янги тизимга ўтишни намоеъ этди. Вазириликлар, мактаблар ва университетлар жамоаси ўз зиммаларига таълим дастурларини ишлаб чиқшдан торттиб, болалар ва ёшларнинг фаол машғулотлари учун янги инновацион форматларни жорий этишгача бўлган аниқ вазифаларни юклаган олди.

Ёзги таътилга энди фақат ўқишдан танаффус эмас, айти пайтда таълимнинг янги моделини жорий этиш имконияти сифатида қаралапти. Шу нуқтан назардан, “Долзарб 90 кун” лойиҳаси навбатдаги кампания эмас, балки мамлакат таълим манзасини қайта шакллантиришга қаратилган стратегик платформага айланди.



Янги ёндашув таълим жараёни фақат ўқув йили билан чекланмаслигини тан олади. Ёзги вақт стандарт дастурлардан ўрин олмайдиған кўникмаларни ривожлантириш, ижодий таълим усулларини жорий қилиш ва болалар, ўқитувчилар ҳамда маҳаллий жамоалар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун ноёб имкониятдир.

Лойиҳа шахсиятни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида давлат, ота-оналар ва ўқитувчилар сазй-ҳаракатларини бирлаштирувчи воситага айланди. Аънаваный равишда ёз таълим тизимида дам олиш билан боғланса-да, “Долзарб 90 кун” бу қўлипни бузди. Лойиҳа таътилларни бекор қилмасдан, уларни мамдан билан тўлдириб, барча таълим босқичларини — болалар богчасидан тортиб олийгоҳларгача қамраб олди. Тарбия, таълим ва ижтимоий таркибни уйғунлаштирди.

1200 дан ортқ мактабларда ташкил этилган кундузги оромгоҳлар 170 мингдан зиёд болани қамраб олди. Ота-оналар ишлагётган пайтда болаларнинг эътибордан четда қолиши муаммосига амалий ечим бўлмоқда. Болалар тўғрақарл, тил ва маданият секцияларида, спорт мусобақаларида иштирок этмоқда, барча тадбирлар ихтиёрий ва ота-оналарнинг розилиги билан ўтказилади.

Шу тарзда “Долзарб 90 кун” таълим жараёни иштирокчиларининг ҳар бири ўзига ҳос ролни топадиған тизимни қўрмоқда. Мактаблар билим олиш маскани билан бир қаторда мулоқот, кўмак ва иктидорни ривожлантириш жойига айланаётди. Болалар ҳар томонлама ривожланиш, талабалар назарияни амалиётда қўллаш, ўқитувчилар эса аънаваный чегаралардан ташқарида ташаббус қўрсатиш имконига эга бўлмоқда. Бу таълим жамоаси ичида янги ўзаро ҳамкорлик маданиятини шакллантиряпти.

Лойиҳа доирасида амалий йўналишларга алоҳида эътибор қаратилган. Олийгоҳлар таълим дастурларини қайта кўриб чиқиб, ёзги даврда билимларини қўллашга қаратилган аудит ўтказмоқда. Масалан, педагогика йўналишидаги талабалар ёзги амалиётини ўтаб, тадбирларда иштирок этмоқда ва мактаб ўқитувчиларига болаларнинг бўш вақттини ташкил қилишда ёрдамлашмоқда.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабалари ўз вилоятларидаги мактабларга қайтиб, олган билимларини амалиётда қўлламоқда. Бу нафақат минтақавий таълим ривожига ҳисса, балки келажакда

Жорий йил 15 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Долзарб 90 кун” лойиҳаси ёзги таълим ва тарбиянинг янги модели сифатида самарасини берди. Ёзги таътилнинг ортда қолган икки ойи давомида амалга оширилган ишларни таҳлил қилсак, бунга амин бўламиз.

касбни янада теран англаш, масъулият ва етакчилик қобилиятини шакллантиришда катта туртки бўлиши шубҳасиз. Талабаларнинг реал амалиёт, маданий ва тил муҳитига жалб этилиши авлодлар ўртасида мулоқотни ривожлантиради, ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлайди ва шахсий фикрни ифода этиш қобилиятини кучайтиради.

“Долзарб 90 кун” аънаваный таълим билан бирга инглиз, немис, француз, корей, япон ва бошқа тиллар бўйича маҳорат дарслари, “Заковат”, “Мутолаа” каби ақлий ўйинлар, ижодий фестиваллар, ёзувчи ва расомлар билан учрашувлар ҳамда “Вилоят бўйлаб сазҳат” дастури доирасида мамлакат бўйлаб экскурсиялар ҳам ташкил этилмоқда.

Шу орқали миллий қадриятлар таълим тизими-га интеграция қилинппти, ўқув жараёни ҳаётга яқин, фаол ва долзарб тарзда олиб борилмоқда. Бу эса янги уфқларни очиб беришга хизмат қилади.

Ёзги давр техник ва методик трансформация вақтига айланди. Инфратузилмани модернизация қилиш, таълим жараёнини рақамлаштириш ва назарий билимни ишлаб чиқариш тажрибаси билан уйғунлаштирувчи дуал таълим элементларини жорий қилиш ишлари олиб бориляпти.

“Долзарб 90 кун” оддий кампания эмас, балки барқарор ва мукаммал таълим ривожига модели. У

таътилларни ижтимоийлашув, касбий йўналишни аниқлаш, маданий бойитиш ва шахсий ўсиш ресурсларига айлантириш мумкинлигини қўрсатиб беради.

Лойиҳанинг энг муҳим ютуқларидан бири таълим жараёни иштирокчилари ўртасида очик мулоқот платформасининг шаклланиши бўлди. Ўқитувчилар, ота-оналар, талабалар ва болалар ўзларини умумий мақсад — замон талабларига мослашиш билан бирга мамлакат келажакни фаол равишда яратга оладиган авлодни тарбиялашда иштирокчи сифатида ҳис этиади.

Хўдўлардаги қўшма ташаббуслар туяйли ҳар бир минтақа лойиҳа голарини ўзининг маданий ва ижтимоий хусусиятларига мувофиқ тарзда амалга ошириш имконига эга бўлди.

Ташаббус таълимда ўзгаришлар сиёсий ирода, жамият кўмаги ва янгиликка интилиш мавжзидан амалга ошиши мумкинлигини намоеъ этди. У келажак ислохотлари учун синов майдони бўлиб хизмат қилди: ёзда болалар ва ёшларни билим ва ижод муҳитига жалб этиш уларни руҳлантириш билан бирга таълимнинг уз-луксиз жараён сифатидаги қийматини англашга ёрдам беради.

XXI асрнинг барча соҳаларида талаб этилувчи сифатлар ёшлар орасида мустақил фикрлаш, жамоавий ишга тайёрлик ва қарор қабул қилиш қобилияти орқали шакллантирилади. Ўзбекистон замон талабларига жавобни анъаналардан воз кечиш эмас, балки уларни қайта англаш ва ривожлантириш орқали бериш мумкинлигини қўрсатмоқда.

Таълим жараёнига фуқаролик жамияти ва ота-оналарни жалб этиш ишончини мустаҳкамлаш ва иштирок маданиятини шакллантиришда муҳим омилига айланди. Жамиятнинг қанча кўп қатлами таълим ислохотларига ўзини дахлдор ҳис қилса, тизим шунча барқарор бўлади.

“Долзарб 90 кун” таълимнинг мактаб деворларидан ташқарига чиқиб, умуммиллий ишга айлана олишининг ёрқин намунаси бўлди.

Келажакда бу каби лойиҳалар тажриба алмашии, қўшма таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва халқаро ёзги оромгоҳлар ташкил этиш орқали трансчегаравий ҳамкорлик пойдеворига айланиши мумкин. Шундай қилиб, Ўзбекистонда бошланган бу ташаббус минтақавий миқёсдаги ҳаракатга айланиб, давлатлар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлайди ва ёшлар учун янги ривожланиш фазосини яратади деб ишонамиз.

КЎЗГУ

“Замонавий жамият мўрт. Глобализация даврида миллий маданиятлар имкониятини бой берапти. Бу манқуртликка олиб келиши мумкин. Барча маданиятлар битта оммавий маданият сиқуви остида қолмоқда”, деганди улугъ ёзувчи Чингиз Айтматов.

Мушоҳада

Ёзувчи бу сўзларни айтган вақтда дунё ҳали рақамли инқилоб домига тўлиқ кириб улгурмаган, инсонлар қўлида смартфонлар бўлмаган, интернет ҳаётнинг ажралмас қисмига айланмаганди. Аммо у келажак таҳдидларини чуқур ҳис қилган, улар қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан англай олган етук тафаккур эгаси эди. Бутун у огоҳ этган манзара кўз ўнгимизда содир бўлмоқда. Афсуски, оммавий маданият ва унинг чегарасиз тарғиботчиси ҳисобланиш ижтимоий тармоқлар қурбони кўпроқ ёшлар бўлаётгани ҳар кимда хавотир уйғотмоқда.

Болалик деганда кўпчиликнинг кўз олдида беғубор, самимий манзара намоеъ бўлади. Кимдир хотирасида тупроқ кўчаларда оёқланг югуриб юрган болаларни, бошқалар эса бобо-бувилар эртаклари ила кечган тинч тунларни ёдга олади. Яна кимдир богча ёки мактабдаги дастлабки таассуротларини эслайди. Яъни боланинг дунёқараши халқ ўйинлари, маданий мухит ва ҳаётий мулоқотлар орқали шаклланади. Варрак учирши, арқон тортиш, беркинмачоқ каби ўйинлар болага ҳаётни англашни ўргатар, жамиятда ўз ўрнини топишга ёрдам беради.

Бирок бутунги манзара тамоман бошқача. Технология асрининг боласи реал ҳаёт эмас, айнан виртуал оламда улғаймоқда. У ўз дунёси ва қадриятларини табиат ёки жамиятдан эмас, кўп ҳолларда экран орқали шакллантирмоқда. Ҳаракатлар сунъий, муносабатлар совуқ, қувонч эса кўпинча филтьрланган ҳаракатга ўхшайди.

Айтматов ишора қилган манқуртлик бутун ўз тарихи, илдишлари ва маданиятига нисбатан нафақат бефарқ, балки уларни билишни ҳам истамайдиған, экранда кўраётганини ягона ҳақиқат деб қабул қилдиган инсон тимсолида намоеъ бўлмоқда. Бундай инсон говийй “қўрсатмалар”ни телефон орқали олади, уларга эргашади, ҳатто ҳаётини шулар асосида қўрмоқчи бўлади. Ижтимоий тармоқларда ҳар куни намоеъ бўлаётган “трендлар”, “мукаммал ҳаёт”, “қандай яшаш керак?” каби енгил, юзакли гоялар кўплаб ёшларнинг ягона ҳаётий мезонига айланмоқда.

Натижада ёшлар ҳаётини енгил баҳолашга одатланмоқда, руҳий изтиробларини ичга ютиб яшамоқда, баъзи ҳолларда ёт ва бузуқ гояларга эргашмоқда. Энг ачинарлиси, ҳозир жонига қасд қилиш каби фожеявий йўлни танлаш ҳолатлари ҳам ортиб бормоқда. Бундай воқеалар ижтимоий тармоқларда тез-тез кўриняпти ва улар энди тасодиф эмас, балки умумжамият даражасидаги хавфли муаммога айланиб улгурди.

Хўш, нега болалар кўз ўнгимизда виртуал олам домига ботиб бормоқда? Нима учун улар ҳаёт, тарих, оила ва миллий қадриятларга нисбатан бефарқ? Бу саволлар барчамизни ўйлантириши, бепарво қолдирмаслиги керак. Чунки бу бутун жамият келажак билан боглиқ масала.

Ёлғизлик — экран ортидаги энг хавфли ҳамроҳ

Бутунги кунда интернет орқали аксарият ёшлар тил, замонавий касблар ва инсон камолоти учун зарур бошқа қатор юмушларни ўрганаяпти. Аммо танганинг иккинчи томони бор. Бу кулайликлар ортида кўзга кўринмас хавфлар юзгага келмоқда. Масалан, киберзўравонлик — виртуал зўравонлик таҳдир ва босимнинг замонавий кўринишидир. У кўпинча ота-оналар ва ўқитувчиларнинг кўзидан яширин бўлади, лекин бола руҳиятида чуқур из қолдиради.

Масалан, бирор боланинг суратини кулгили ёки уятли ҳолатда ижтимоий тармоққа жоиллаш, у ҳақида ёлгон маълумот тарқатиш, таҳдидли хабарлар ёзиш, гуруҳ бўлиб уни масхара қилиш кабилар тез-тез учраб туради. Албатта, бу каби ҳолатларни содир этганларга нисбатан қонуний чоралар кўриломоқда, аммо кўпинча улар боланинг ўзи томонидан сир тутилади.

Киберзўравонлик болани ҳеч қаерда ёлғиз қолдирмайди: у уйда, кечаси, ҳатто дарс пайтида телефон орқали болага босим ўтказишда давом этаверади. Бола ўзини ҳар ерда кузатув остида, масхара марказида ва ёлғиз ҳис этади. Интернетда бирор маълумот тарқалгач, уни назорат қилиш ёки тўхтатиш деярли имконсиз, бу эса болада нафақат ўзини ҳимоясиз, балки бутунлай ожиз ҳис қилиш туйғусини уйғотади. Айниқса, агар унинг дўстлари, синфдошлари ёки танишлари масхарага қўшилиса, бу руҳий зарбанинг таъсири бир неча баробар ошади. Бундай ҳолатда бола кимга ишониниши, кимдан ёрдам сўрашни билмай қолади.

“Эътибор берма”, “аҳмоқона гап-ла” каби оддий маслаҳатлар бундай мураккаб ҳолатда самарасиз бўлади. Чунки киберзўравонлик боланинг нафақат дунёқарашини, балки ўз-ўзига ишончини ва жамият билан алоқасини издан чиқариши мумкин. Айрим ўсимлар эса бундай муаммодан чиқиш учун мактабдан узоқлашиш, жамиятдан четланиш, энг аянчлиси, ҳаётни тарк этишгача боради.

Киберзўравонлиكنинг энг аянчли жиҳати шундаки, уни катталар кўпинча кеч пайқайди.



2025 йил 23 июль, 149-сон

5

ВИРТУАЛ ОЛАМ

ИМКОНИАТМИ ЁКИ ХАВФ?

Болаларнинг рақамли макондаги хавфсизлиги ва руҳий саломатлиги бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Шундай вазиятда технологиялардан соғлом фойдаланишни ўргатиш, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданиятини шакллантириш зарур.

Ҳар бир бола телефонни қўлига олганида, у фақат маълумот эмас, ишонч ва хавфсизлик ҳиссини ҳам туюши керак. Чунки экран ортидаги ҳар бир таҳдид, шаънга қилинган муносабат нафақат ота-оналар, балки бутун жамият зиммасидаги масъулиятдир.



Интернетни эмас, бепарволикни чеклаш керак

Бутунги замон ота-оналар учун ҳам талаб ва масъулиятлар билан тўла давр. Иш, дам олиш, турли ижтимоий ва иқтисодий вазифалар уларнинг вақти ва эътиборини кўп талаб қилади. Шу боис, аксар оилаларда ота-оналарнинг болаларга эътибори камайиб бормоқда. Бу эса ёш авлоднинг руҳий ва маънавий тарбиясида катта бўшлиқларга олиб келади.

Яқинда ижтимоий тармоқларда ривожланган давлатларнинг биридаги воқеага кўзим тушди. У ерда болалар учун барча шароитлар яратилган, замонавий таълим тизими жорий қилинган. Бу каби имкониятларга қарамай, кўп болалар эркинлик ниқоби остида кўча ҳаётини танламоларда. Улар учун оила ва ота-оналарга ҳурмат қадриятлари қадриятсизлиб, оиланинг жамиятнинг асосий устуни сифатидаги ўрни йўқолмоқда. Ёшларнинг кўпчилиги етарли руҳий тарбия ва қўллаб-қувватловсиз, енгил ҳаёт тарзини афзал қўймоқда.

Кўча ҳаёти, жамиятдан узилш ва маънавий бўшлиқ уларнинг келажакини тортиб олаётгани шубҳасиз. Кўп болалар интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилаятган зарарли гояларга осонликча қўшилиб, ўзини нотўғри йўлда топмоқда. Бу эса фақат технологиянинг таъсири эмас, балки ота-оналар ва жамиятнинг бепарволигидан келиб чиқади.

Шунинг учун биз интернетни эмас, бепарволикни чеклашимиз керак. Болаларга, энг аввало, ҳурмат, меҳр-муруват ва диққат зарур. Зеро, оила ёшларнинг биринчи ва энг муҳим мактаби. Ота-оналар ўз вақти ва кучини болалар билан мустаҳкам алоқа ўрнатишга бағишлаши керак. Шу орқали уларнинг ҳаётга қарашлари, миллети ва маънавий қадриятларга муносабати шаклланади.

Ҳақиқий эркинлик нафақат технологиялардан эркин фойдаланиш, балки ўзлигига содиқ қолиш, оила ва жамият билан боглиқлигини англашдир. Шунинг учун интернетдан эмас, бепарволикдан сақланилик ва ёш авлодимизни ҳақиқий маънода бахтиёр келажакка тайёрлайлик.

Болалар бахтни “лайк” ва “кўриш сони”дан изламаслиги лозим

Болаларнинг ҳаёт ҳақидаги илк тасаввурлари реал воқеликдан эмас, балки ижтимоий тармоқлар таъсирида шаклланоқда. Улар учун “ҳақиқат” кўпинча

Инстаграм тасмаларидаги силлиқланган суратлар, ТикТоқдаги трендлар ёки YouTubeдаги машҳурлик ва бойлик ҳақида гапирувчи видеолар билан чамбарчас боглиқ. Бу сунъий виртуал олам гўёки фақат бахтли, муваффақиятли, гўзал ва мукаммал инсонлар билан тўла. Болалар айнан мана шу идеал образлар билан ўзини таққослашга мажбур бўлиб қолмоқда.

Кўп ҳолларда болалар реал ҳаётини бу мукаммаллик тимсоллари билан солиштириб, ўзини паст баҳолай бошлайди. “Нега менда бу йўқ?”, “Нега мен у каби бахтли эмасман?” каби фикрлар уларнинг руҳиятини емириб боради. Ҳар куни мукаммал ҳаётни томоша қилаётган бола ўзининг оддий ҳаётини муваффақиятсизлик деб қабул қила бошлайди.

Ижтимоий тармоқлардаги “идеал ҳаёт” аслида бир неча сонияли видеолар, филърланган суратлар ёки сахналаштирилган лавҳалардан иборат. Аммо бола буни ҳақиқат сифатида қабул қилади. Натижада ўз қадрини фақат “лайк”, “кўриш сони” ёки “изоҳлар” орқали баҳолай бошлайди. Бу рақамлар камайганда эса у ўзини кераксиз, арзимас деб ҳис қилади.

Энг ачинарлиси, баъзан ижтимоий тармоқларда ўз жонига қасд қилиш мавзуси ҳам романтиклаштирилиб кўрсатилмоқда. “Бу менинг танловим”, “Ҳаётда маъно йўқ” каби драматик хайрлашувлар, ҳатто жонига қасд қилиш жараёни видеолари баъзи болаларда бу ҳолатни ҳиссиз қабул қилишга сабаб бўлмоқда. Руҳий жиҳатдан заиф болалар бундай контентдан куч эмас, йўқотиш “илҳомин” олиши мумкин.

Ижтимоий тармоқларда нафақат бойлик ва гўзаллик “идеал” сифатида тарғиб қилинади, балки зарарли гоялар ҳам болалар онгига сингдирилади. Баъзан эркинлик ниқоби остида ижтимоий масъулиятсизлик, оилавий қадриятларга бепасандлик, ҳиссий эҳтиёжлар нормал ҳол сифатида намоеъ қилинади. Оқибатда бола ўз ҳаётининг асл мақсадини англашдан тобора узоқлашади.

Шу билан бирга, болалар ижтимоий тармоқларда қандай кўриниш олиши, қандай контент жоиллаши, қандай “машҳурлик”ка эришиши ҳақида бош қотиришга одатланади. Бу эса уларнинг ички дунёси, руҳий барқарорлиги, ҳаётий қадриятларини сўндириб боради. Виртуал оламда кўришлар кўп, лекин тушуниш йўқ. Дўстлар рўйхати узун, аммо самимий суҳбатдош топилмайд.

Афсуски, ота-оналар бу жараёни кўпинча кеч пайқайди. Бола қулоғида қулоқчин, кўзида экран, онгидда эса ёлғиз бўлади. У ҳиссий муаммоларини ижтимоий тармоқ қондалари асосида ҳал қилишга уринади, реал ҳаётдаги муносабатлардан тобора узоқлашади.

Уларни бу ёлгон оламдан асраш учун сунъийлик ва ҳақиқат ўртасидаги фарқни англашти, меҳр, самимийлик, меҳнат ва сабр каби қадриятлар билан таништириш муҳим. Зеро, инсон ҳаётини виртуал қиёслар билан эмас, ўз меҳнати билан қуриши керак.

Ҳар бир бола индивидуал, ҳар бир эҳтиёж аҳамиятли

Мактаб боланинг билим олиши, ижтимоийлашуви ва дунёқарашини шакллантирувчи энг муҳим масканлардан биридир. Аммо мактаб фақат дарслик ёдлаш ёки тест топириш маркази бўлиб қолмаслиги керак. У боланинг руҳий саломатлиги, ҳиссий ривожига ва ҳаётий кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилиши лозим.

Болаларнинг синфда ёки танаффус пайтида дуч келаятган муаммолари кўпинча эътибордан четда қолади. Ўқитувчилар эса ҳақдан ташқари юклама остида бўлиб, ҳар бир ўқувчининг индивидуал эҳтиёжларига вақт ажратма олмайд. Дарс ўтиш ва баҳо қўйиш устувор вазифага айланган.

Мактабда руҳий саломатликка онд дастурлар, ҳиссий интеллектни ривожлантириш, мулоқот маданияти, стрессин бошқариш, шахсий чегараларни ҳурмат қилиш каби мавзулар етарлича ўрни олмайтти. Бу эса болаларда жамиятга ўзини қандай тутиш, бошқалар билан қандай соғлом алоқа ўрнатиш борасида бўшлиқ вужудга келтирмоқда.

Шунингдек, киберзўравонлик ва ижтимоий тармоқларнинг зарарли таъсирига қарши мактабда аниқ стратегиялар йўқ. Қўйлаб ўқитувчилар бундай ҳолатларни аниқлаш ёки унга тўғри муносабат билдириш бўйича етарли билимга эга эмас. Натижада бундай ҳолатлар вақтида аниқланмайди, бу эса боланинг руҳий саломатлигини хавф остига қўяди.

Шу боис, таълим даргоҳи фақат билим бериш билан чекланиб қолмаслиги керак. Балки руҳий жиҳатдан хавфсиз, самимий, ишончли иккинчи уйга айланиши лозим. Акс ҳолда, у нафақат бир боланинг таъдирини, балки жамиятнинг келажакни хавф остига қўяди.

Замонавий жамият, оила ва таълим тизими болаларни интернетдан фақат билим олиш учун эмас, балки соғлом ва хавфсиз фойдаланишга ўргатишга катта эътибор қаратиши зарур. Ёшларга миллий маданият, қадриятлар, ҳақиқат ва сунъийлик ўртасидаги фарқни тушунтириш, меҳр-муҳаббат, самимийлик ва жамиятдаги ўрнини англаштиш муҳим.

Шу тариқа ёшлар виртуал оламнинг зарарли таъсириларидан асралади, ўзини ҳимоя қилиш қобилиятини оширади ва ҳақиқий ҳаётда муваффақиятли, соғлом фуқаролар бўлиб улғаяди. Ота-оналар, ўқитувчилар ва жамият ҳамкорлиги, масъулиятли ва диққатли муносабати бу жараёнда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Виртуал оламдан имконият сифатида фойдаланилиши ва ёш авлоднинг баркамол шахс сифатида ривожланиши учун барча соҳаларда мустаҳкам тизим ва тарбия бўлиши шарт. Бу жамиятнинг келажакни сақлаш ва тарққуётнинг барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омилдир.

Технологиялардан фойдаланишда масъулиятни ошириш, интернетни соғлом ва хавфсиз муҳитга айлантириш учун ҳам ота-она, ҳам мактаб, ҳам жамият биргаликда ҳаракат қилиши зарур. Болага замонавий билим ва кўникмалар бериш билан бирга унинг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш ва миллий қадриятлар асосида тарбиялаш биз учун энг катта вазифа бўлиши керак.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

6

2025 йил 23 июль, 149-сон

Албатта ўқинг!

Атамак эҳтиёжи

(“Сўз латофати” китобидан)

Атамак эҳтиёжидан сўз пайдо бўлар экан. Ўзимиз яшаб турган жойга ном бериш бизнинг ўзимизга керак эмас. Шаҳар, қишлоқларга узоқ-яқин қўшнилари от қўядилар. Азбаройи бошқа жойлар билан адаштирмаслик учун. Ерлик халқ ўз ерини изламайди, адаштирмайди.



Одамзодни ўраб турган минг-минглаб нарс ва ҳодисаларни аташ зарурати боис тиллар аралган. Замон-замонлар ўтиб, инсоният тараққий этгани сари бу эҳтиёж ортган ва кенгайиб борган. Бугунги илм-фан ривож, халқаро алоқалар, ҳуқуқий муносабатлар тараққийси бу заруратни ўн қарра, юз қарра оширди. Ҳар янги тушунчанинг жаҳон саҳнида пайдо бўлиши тилшунос-ларга ўз она тили имкониятларини таҳлил қилиш, “чўнтакни қовлаб қўриш” эҳтиёжини яратди. Бундай вақтда, аввало, бор борица, йўқ ҳолича иш тутади. Қолаверса, тилшуносликда устун дунёқараш, олимларнинг даражаси билан ҳафсаласи билан боғлиқ омиллар ўртага чиқди. Ўзимизга ўхшаган дангасаларга маза. Халқро атаманинг ўзини қоидага киритамиз-кўямиз. Тилимизда шу тушунчани ифода қиладиган сўз бормикин деб ўйлаб ўтирмаймиз. Излаган хато қилмайди. Хато қилмаганинг қўлоғи тинч, ўзи хотирчан бўлади. Қийин бўлганда кимга қийин? Ориятли, гурурли, ўз она тилининг қадри-қиймати учун қайғурдиган, талашадиган олимга, зиёлига қийин.

Аслида, биз ўзимиз дангаса эмасмиз. Бизни шўро мафқураси дангаса қилди. Ҳар қандай миллий қадрият учун қайғуриш, қурашиш миллатчилик ҳисобланди. Атамак

“

Аслида, биз ўзимиз дангаса эмасмиз. Бизни шўро мафқураси дангаса қилди. Ҳар қандай миллий қадрият учун қайғуриш, қурашиш миллатчилик ҳисобланди. Атамак эҳтиёжи ҳам ўлдирилди. Натижада тилимизга “ноозиқ-овқат маҳсулотлари” каби ўхшовсиз таржима сўзлар кирди. Бу тушунчанинг ўзбекчада оти борми, тилимизда инсонча қилиб айтса нима бўлади деб ўтирмадик.

Эркин ВОҲИДОВ

эҳтиёжи ҳам ўлдирилди. Натижада тилимизга “ноозиқ-овқат маҳсулотлари” каби ўхшовсиз таржима сўзлар кирди. Бу тушунчанинг ўзбекчада оти борми, тилимизда инсонча қилиб айтса нима бўлади деб ўтирмадик.

Қадимдан иждоқор халқимиз яратган гўзал атамалар бор. Энг кўҳна ижод намунаси чархпалак атамасига эътибор беринг. Осмон айланади, сув айланади, сувга ўрнатилган қўтартич гилдирак ҳам айланади. Қанча ташбех, фалсафа, фасоҳат бор шу бир сўзда. Қўнқаги кўзгалмас юлдуз — олтин қозик бўлди, сочилиган юлдузлар сомончининг йўли атади. Йўл юзида тўқилиб қолган сомонга ўхшатилади. Мажнунтол, мизратерак каби дарахт номлари, номозшомгул, гули қаҳ-қаҳ — авом тилига гулқоқи бўлиб ўтган, гултожиҳўроз, бойчечак сингари гул номлари нақадар гўзал ва маъноли!

Бир замонлар арабча шай, форсча чиз, инглизча thing, русча вещь тушунчасини ифода қилувчи бир сўз тилимизда йўқ эди. Атамак эҳтиёжи бу сўзни яратган. Мумтоз адабиётимизда мавжуд асл туркий калима на эрса “лаббай” деб ёрдамга келган ва нарс дадан сўз пайдо бўлган. Биз бугун ҳар лаҳза ишлатадиган бу сўзининг яралиш тарихи тўғрисида ўйламаймиз ҳам.

На эрса нарсга айлангандек, ким эрса кимса шаклини олди ва нарс билан эш

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир:

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси

Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

МАЪНАВИЯТ

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

Ўзбек оилаларида ҳамиша отанинг ўрни юксак қадр-қимматга, ҳурмат-эъзозга лойиқ тарбия асоси бўлиб келаётир. Устоз Абдулла Орипов “Ота мақоми” шеърда ёзганидек:

Отанинг мақоми Ҳазрат Одамдан, Уни ёш-қариси йўқдир, шуни бил!

Оналарни қанчалар юксакларга кўтариб эъзозламайлик, қадрламайлик, оила бошқаруви ва бола тарбиясида отанинг меҳри ва вазифаси жуда юксаклигига гувоҳ бўламиз.

Мўрат китоби

Мўлат завқ

ЁХУД КУЧЛИ ОДАМЛАР ҲАМИША ОДДИЙ БЎЛАДИ

Ҳар қандай катта-кичик масалаларда оналаримиз ҳам “Отандан сўраш керак” ёки “Отанг нима деркан”, деб маслаҳатта ошиқадилар.

Таниқли журналист, самимий инсон ва камтарин ҳамкасбимиз Бахтиёр Ҳасановнинг отаси — давлат ва жамоат арбоби Мадаминжон Ҳасанов ҳақида ёзган “Отандан қолган ҳикоялар” китобини қизиқиш ва ҳаяжон билан ўқир эканман, ҳаёлимдан юқоридаги фикрлар бир-бир ўта бошлади. Ота улуг зот. Унинг ўрнини ҳеч ким босолмайди.

Китоб қаҳрамони катта ва нуфузли лавозимларда ишлаган, эл-юрт ўртасида анча-мунча мартабага эришиб, юксак ҳурмат ва обрўга эга бўлгани билан ҳеч қачон кибрга берилмай, оддий, самимий ва камтарин ҳаёт кечиргани боис, китоб ҳам жуда самимий, меҳр билан ёзилган. Воқеалар отанинг бебаҳо ҳаётий ҳикоялари орқали ёрқин очиб берилган. Ҳар бир сатрда оддий отага бўлган фарзанднинг самимий фикрлари яққол сезилиб турди.

Мадаминжон Ҳасанов болалигидан ҳаёт қийинчиликлари жуда эрта англаб етган, ёшлиқдан оғир меҳнат қилишни бошлаган, мактабда чиroyли ва беҳато ёгани туфайли колхоз раиси саккизинчи синфда уни ҳисобчи ёрдамчи қилиб қўйди. Асосий мақсади билим олиш бўлгани сабабли аъло баҳо-ларга ўқиган. У 1942 йилда ўнинчи синфни битириб, ўйдагиларга сездирмасдан ҳарбий хизматга — урушга ўз хоҳиши билан кетиш тўғрисида ариза ёзди.

Уша оғир йилларни ота шундай ҳикоя қилади: “Бир кун кечаси уйғониб кетдим. Онам устимда ўткир болта қўтарганича кўз ёшлари билан менга пичирлади: “Ўғлим, кўрқма, мен бир қўлингни ёки оёқ бармоқларингни чопиб ташлайман, кейин сени урушга олиб кетишмайди”. Бу дардли сатрларини ўқиб нақадар оғир. Лекин унинг тақдирда урушга бориш ёзилганини отанинг ҳикояси давомидан билиш мумкин: “1943 йил бошида мерганлар (снайпер) тайёрлаш учун бўлинмамиздан бир неча гуруҳ танлаб олинди ва мен ҳам улар орасида эдим. Машгулотлардан сўнг бизни учинчи Беларусь фронти таркибига жанг майдонига ташлашди...”

Мадаминжон Ҳасанов кейинчалик уруш оловида кечган хизматни Болтик бўйи давлатлари, шунингдек, Польша ва Германияда давом эттириб, буюк ғалаба кунини Германиянинг Кёнигсбург шаҳрида нишонлайди...

Урушдан кейин тугилган юртга қайтиб, Андижон вилоятининг Кўргонтепа туманидаги ягона саноат корхонаси — “Тарандубитель” заводига лаборант вазифасида қизгин иш бошлади. Шу билан унинг катта ва машаққатга тўла узун, нурли ҳаёт йўли бошланди.

Китобни завқ билан ўқиш жараёнида ўқувчининг хотирасида қоладиган “Узумнинг токи” деб номланган теран боб бор. Унда Мадаминжон Ҳасанов Кўргонтепа РайПЮси раиси лавозимида ишлаган даври ҳақида ҳикоя қилар экан, шундай бир ибратли воқеани эслайди. У киши ҳар кунги ишни очикўнгил идора қоровули билан суҳбатлашиб, бир пиёла чой ичишдан бошлар экан. Бир кун сўрида гаплашиб ўтиришса кекса бир аёл, бир даста узум токиннинг ниҳоллари зўрға қўтариб сотгани бозорга олиб кетаётган экан. Мадаминжон ака кампирга пeshов чиқиб, у билан ҳол-аҳвол сўрашиб, токин айтилган нарҳидан қимматроқ сотиб олади. Кампир хурсанд бўлиб, у кишини дово қилади. Сўнг қоровул билан ишхонага кирадиган йўлак четига ниҳолларни меҳр билан экинлади. Бу ҳикоя қаҳрамонимиз шундай ақшлайди: “Орадан йиллар ўтиб, Андижонга, кейин Тошкентга ишга кетганимда ҳам Кўргонтепага келганимда ҳам шу ерда, албатта, тўхтаб ўтардим, бир онахондан сотиб олиб, ўз қўлларим билан эккан узум барглари соясида ўтиришни ёқтирамиз”.

Бу барча замонларда ҳам катта-кичик раҳбарларга ибрат бўладиган ҳаётий воқеа экан. Тасаввур қилиб, турли соҳаларда ишлаган ва ҳозир ишлаётган раҳбарлар ҳам бундан ибрат олиб, амал қилиб ўзларидан яхши ном қолдирсалар, юртимиз янада обод, гўзал бўлиб, яшнаб кетган бўларди.

Халқ мақолида айтилганидек, “Ўтиб кетгунча, экиб кет”. Айрим нўноқ раҳбарлар нафс



йўлида мавжуд бўлган серхосил боғларни чопиб, вайрон қиладиганини кўриб афсуслансан. Қани Мадаминжон Ҳасановга ўхшаган, фидойи ва саховатли оталаримизнинг издошлари?..

Китобни ўқиш жараёнида Мадаминжон Ҳасанов фақат Кўргонтепада эмас, қаерда ва қайси катта-кичик лавозимларда фаолият юритмасин, ҳатто Ўзбекистон Савдо вазирлиги бўлганда ҳам бундай ибратли ишларни ортинги билан амалга оширганига гувоҳ бўламиз.

У киши 1966 йилда “Ўзбекбирлашув” матлубот уюшмаси раиси этиб



“Дунёга келишнинг ўзи мўъжиза. Унда яшаб ўтиб кетгандан сўнг ёруғ ва ибратли излар қолдириш эса юксак бахт. Шу ўринда давлат ва жамоат арбоби Исмоил Жўрабековнинг Мадаминжон Ҳасанов ҳақидаги ушбу фикрларини келтирсак: “Очигини айтман, мен бодамни миллиардер деб ўйлаганман. Бутун савдо тизимини бошқарган-ку ахир? Лекин уйларига борганда хайрон бўлиб қолдим. Оддий одамнинг уйи, ошқича ҳеч нарс йўқ... Бу инсон бирон кишидан тили қисқиб бўлмаган. Хизматни халқ учун қилган, ўзи учун қилмаган. Шунинг учун шундай катта обрўга эга бўлдилар”.

тайинланади. Тиниб-тинчимас Мадаминжон Ҳасанов уюшманинг фаолиятини кенгайтириб, янги лойиҳалар киритиб, уюшма обрўсини солиқ Иттифоқда нуфузли ўринга олиб чиқди. Пойтахтда “Ўзбекбирлашув” уюшмасига янги бино қуриш учун Шароф Рашидовга мурожаат қилади. Раҳбар бу ташаббусни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Иш бошлангач, қурилиш етти йил давом этади. Бу орада қўролмаслик касалига йўлиққан айрим ҳасадқўйлар гимирлаб қолади. Бундан хабар топган Шароф Рашидов бир катта йигилишда шундай дейди: “Айримлар ўзи тузуқ-қуруқ ишни эплай олмайди, лекин бошқаларга халақит қилиш билан, майда гаплар билан овора бўлади. Мадаминжон ука, сиз ундай нарсаларга эътибор берманг. Дадил ҳаракат қилинг, биз сизни қўллаб-қувватлаймиз”.

Эртаси ўша илгаворлар келиб, қучоқ очиб қутлаб кетишди уни. Бино бунёд этилгач, Шароф Рашидов ўзи тантана билан очади. Бу ҳам қаҳрамонимизнинг фидойилиги, ишбилармонлиги, энг асосийси ватанпарварлигининг юксак намунаси эди. Шунингдек, у киши самарали ишлаган даврда уюшма Жаҳон кооперация альянси Марказий

қўмитасига аъзо бўлади. Бу Ўзбекистон учун катта воқеага айланади, жаҳонда юртимиз шаънини янада юқори кўтарди.

1977 йил Мадаминжон Ҳасанов Ўзбекистон Савдо вазирлиги этиб тайинланади. Энди у кишининг иш кўлами кўпайиб, масъулият юки ортади. Савдо соҳаси мамлакатда етакчи ўрин тугишини ҳисобга олган тажрибали ва етук вазир бу лавозимда ҳам камтарин, оддий ва юксак салоҳият билан ишлади. У столни муштлайдиган, бақир-қақир қиладиган раҳбарлар тоифасидан эмас, аксинча, мулоим, инсоний талабчанлик билан энг мураккаб ишларни ҳам амалга оширган. Китобда шов-шув қилинмасдан, ўша йиллари республикада йирик савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини бунёд этиш кескин кўпайганини кўрамиз. Шунингдек, Тошкент ва барча вилоятлар марказларида харидорлар учун қулай шарт-роиларга эга бўлган замонавий бозорлар қад ростлади. Замонавий Чорсу бозори янгидан бунёд этилди. Эҳ-ҳе, бундай ибратли ишларнинг саногии йўқ.

Китобда “Беларуссиянинг картошкаси” деб номланган боб бор. Унда жиддий бир воқеа ёритилган. Бир кун Шароф Рашидов савдо вазирлиги Мадаминжон Ҳасановни қабулига чақирди: “Беларуссия бизга ваъда қилинган картошкани етказишни кечиктир-япти. Минскка бориб келинг, бу масалани ҳал қилиш керак”, деб топшириқ беради. Бу жиддий масала эди.

Мадаминжон ака солиқ Беларуссия компартияс Марказий Қўмитасининг биринчи

Суҳбат якунида у Министрлар Совети раисининг ўринбосарини чақириб, топшириқ бериши билан ўринбосар:

— Аммо, Пётр Миронович, биз хали Марказнинг талабларини ёпмадик? — деди. — Аввал Ўзбекистонга, — деди Машеров”.

Ушбу ҳикоядан ҳам аён бўлиб турибдики, Мадаминжон Ҳасановнинг ибратли суҳбатли тугайли энг муҳим ва масъулиятли топшириқ юксак даражада бажарилган. Бу вазифанинг ибратий ҳал бўлишида ҳам Мадаминжон аканинг донолиги, ўз соҳасининг билимдонлиги экани ва юксак тажрибаси намоён бўлганини кўрамиз.

Китобни бундай ҳаётий ва ибратли воқеалар безаб турибди. Масалан: “Кўзи оғиз аёл ва унинг невараси” воқеасини ҳам кўз ёшисиз ўқиб бўлмайди. Ёки АҚШга борганида маърузалари учун берилган конверт тўла долларни Москвага келгач, ҳисобат билан бирга махсус бўлимга топширилгани факр билан ҳикоя қилади. Бундай ибратли ишни ҳалол ва пок инсонгина қила олади...

“Бир кунлик вазир ва катта одам” ҳаётидан қилинган ҳикоя ҳам кишини чуқур ўйга толдиради. “Абдулган ҳожи айтиб берган икки ҳикоя” эса ундан-да ибратли. “Давлат арбоблари, ҳамкасблар, шоғирдлари ёди” деб номланган сўнги боби Мадаминжон Ҳасанов умри сўнигида бунёд этиб кетган юксак самимий меҳр-муҳаббат хазинаси ва инсонийлик мактаби, десак мўъжиза бўлмайди.

Дунёга келишнинг ўзи мўъжиза. Унда яшаб ўтиб кетгандан сўнг ёруғ ва ибратли излар қолдириш эса юксак бахт. Шу ўринда давлат ва жамоат арбоби Исмоил Жўрабековнинг Мадаминжон Ҳасанов ҳақидаги ушбу фикрларини келтирсак: “Очигини айтман, мен бодамни миллиардер деб ўйлаганман. Бутун савдо тизимини бошқарган-ку ахир? Лекин уйларига борганда хайрон бўлиб қолдим. Оддий одамнинг уйи, ошқича ҳеч нарс йўқ... Бу инсон бирон кишидан тили қисқиб бўлмаган. Хизматни халқ учун қилган, ўзи учун қилмаган. Шунинг учун шундай катта обрўга эга бўлдилар”.

Тўғри ва ҳалол яшаб, берилган мансабда камтарин ва самимий бўлиш одамнинг ўзига боғлиқ. Мадаминжон Ҳасановда ҳаётда зарур бўладиган инсоний фазилатлар тугма эди. Таниқли шоғирдларидан Мирабдор Усмонов китобда “Бу инсонга Аллоҳнинг назари тушган”, деган таърифни берган. Китобни ўқиганлар ҳам ушбу фикрга қўшилиши шубҳасиз. Зотан, Лев Толстой ёзганидек: “Кучли одамлар ҳамиша оддий бўладилар”.

Бундай улуг оталари бор юрда фарзандлари, авлодлар ҳам юксак инсоний фазилатлар билан воёга етади. Билимдон, жасур, меҳнаткаш, Ватанинг қадрига етувчи, уни севадиган, мард фарзанд бўлиб ўлгандилар. Аслида, янги Ўзбекистонни бунёд этаётган янги авлод учун китоб қаҳрамони — Мадаминжон Ҳасановнинг ҳаёт мактаби ҳамиша юксак ва ёрқин ибрат намунаси бўлиб қолаверади...

Мадаминжон Ҳасанов мамлакатимиз мустақиллигини кўриб, ундан бениҳоя хурсанд бўлиб, уни янада мустаҳкамлашга муносиб хисс қўшиб, бебаҳо дуолар қилиб кетган улуг инсон. Ўзидан ибрат мактабини қолдирган устоз, ота, набира ва абирларнинг сулоли божбонисини эди.

Китобдаги Бахтиёр Ҳасановга тасалли бериб ёзилган бир шеърда шундай сатрлар бор:

Сиз буз учун чинор эдингиз,
Тулар ойи кундузи офтоб.
Турт фасл ҳам баҳор эдингиз,
Ҳаётингиз биз учун китоб...
Бундай улуг, доно, фидойи ва меҳрибон оталар ҳақидаги “Отандан қолган ҳикоялар” каби асарлар чин маънода ибрат китоби бўлиб қолаверади.

Ашурали ЖўРАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

GAZETAДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ	Бош муҳаррир:	Тажририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун убунани расмийлаштирган ташкилот жавобкар.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.	Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойкулов
МУАССИС:	Салим ДОНИЁРОВ	Газета тахририят компьютер маърузида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.	Нашр индекси — 236. Буюртма Г-746.	Мусахҳис: Аслиддин Абдуразақов
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси		Босмахона телефони: (71) 233-11-07.	34972 нусхада босилди.	Дизайнер: Зафар Рўзиев
			Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.	Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
			“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядор компанияси босмахонасида чоп этилди.	
			Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.	Ўза якуни — 21:30 Топширилган — 23:35